



Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2013 йил 8 март • № 10 (927)

Азиз аёллар ва она-сингиллар! Баҳор байрамингиз муборак бўлсин!

Тиббиёт тизимида ҳалол меҳнати билан халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилиб келаётган азиз аёллар ва она-сингилларимизни 8 март байрами билан самимий қутлаймиз.

Фахр билан айтиш жоизки, бугунги кунда аёлларимизнинг жамиятдаги роли жуда катта, назаримизда, улар иштирок этмаётган соҳа ҳам бўлма-са керак. Айниқса соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият йўналишларида, тадбиркорлик бобида салоҳиятли ўрни борлиги ҳам эришаётган ютуқларимизда ўз ифодасини топмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган хотин-қизларимиз меҳнатини алоҳида тилга ол-сак арзийди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, «Соғлом авлод учун» ордени, давлатимизнинг бошқа бир қанча юксак мукофотларига сазовор бўлганликлари барчамизга фахр ва гурур бағиш-лайди. Дарҳақиқат, улар бугунги кунда мустақам иродаси ва шижоати билан давлатимиз ва жамия-тимиз тараққий этишида муносиб ҳисса қўшиб кел-моқдалар.

Тиббиёт тизимида қўлга киритилаётган ютуқлар-да аёлларимизнинг фидойилигини яна бир бор эътироф этган ҳолда уларни нафосат ва гўзаллик байрами билан табриклаймиз ва баҳорий кайфият ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги.



Штрихи к портрету

Герой Узбекистана, академик Академии наук республики, доктор медицины, главный патологоанатом Узбекистана, директор Республиканского патологоанатомического центра, президент Центральноазиатского отделения Международной академии патологии, член Нью-Йоркской академии наук, один из пятисот корифеев мировой науки XX века, вошедших в список международных интеллектуалов «Кто есть кто», человек года в статусе «Высокий уровень научного и практического потенциала»...



ДАРУЯ ЛЮДЯМ СЧАСТЬЕ ДЕРЖАТЬ В РУКАХ ПРОДОЛЖЕНИЕ СВОЕЙ ЖИЗНИ

Если продолжить этот список, без преувеличения, он займет больше газетной полосы. Подробно знакомясь с каждой регалией, замечаешь такую яркую деталь – перед каждой вполне уместно слово «первый». И это не случайность, а результаты неумолимого труда, верного служения заветной цели – прославить свою нацию, свой народ, свою страну на весь мир. Действительно, этой благодарной цели она посвятила всю свою жизнь.

Малика Самадовна Абдуллаходжаева. Писать о выдающихся личностях всегда сложно и трудно, и не только потому, что они получили всеобщее признание, значит, сложен их портрет. Это – сильные природы, а когда начинаешь о них писать, в каждом слове преобладает чувство особой ответственности. Тем не менее я начинаю это делать, потому что во мне сильно желание побеседовать с Героем страны, и, не скрою, хотя бы чуть-чуть соприкоснуться к ее жизни, чтобы почерпнуть для себя что-то полезное и нужное.

(Продолжение на 2-стр.)

Эътироф

ЎЗБЕК АЁЛИ ЯНГИЛАНИШ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК БАХТИГА САЗОВОР

Аёл... У она, уй бекаси, тадбиркор ва жамоада раҳбар... Қандай касбда фаолият юритишидан қатъи назар, аёл ўз нафосати, меҳру муҳаббати ила борлиқни қалбига жо эта олади. «Дунёни гўзаллик кутқаради», деб бежизга айтилмаган. Аёл гўзаллик тимсолидир. Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Зуҳра Ботирова ҳам кўп йиллик меҳнат тажрибасидан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳисса қўшиб келаётган халқ вакиласидир.

– Зуҳра Баратовна, бугунги даврга назар ташлайдиган бўлсак, аёл руҳиятидаги ўзгаришларни нималарда кўришимиз мумкин?

– Аввало қатъийлик. Қолаверса, аёлларда замон билан ҳамнафас яшаш иштиёқи баланд ва кучлироқ. Лекин оила аталмиш кўрғоннинг тотувлиги, фарзандлар тарбиясию соғлом муҳит барқарорлиги, албатта, аёлнинг метин иродаси ва ақлу заковатиға боғлиқ. Аёл бугун она, моҳир ташкилотчи ва ташаббускор инсондир. Унинг руҳиятида эртанги кун нафаси, янгилашни ва ўзгарувчанлик бахти ҳукмрон.

Аҳоли билан ишлаганимда, ана шундай изланувчан, руҳи тетик, юрагида жўшқинлик сезилиб турган аёлларимизни кўриб, севинаман, ҳавас қиламан. Назаримда, ҳар бир кун ҳам-

мамиз учун – руҳият янгилашни ва камол топишидир. Жамиятнинг бардавом ривожланиши пировардида, албатта, аёлнинг ўрни борлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Чунки аёл қайси соҳада фаолият юритмасин, у жамиятнинг узвий бирлиги сифатида тараққийнинг бош мезони ҳисобланади. Жамият истиқболи ва фаровонлиги аёллар руҳиятида кечадиган ўзгаришлар билан боғлиқ десак, адашмаймиз.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятдаги ролини ошириш, улар учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб бериш масаласи давлатимизнинг доимо эътиборидадир. Бунга ҳамоҳанг равишда

(Давоми 3-бетда).

Штрихи к портрету

ДАРУЯ ЛЮДЯМ СЧАСТЬЕ ДЕРЖАТЬ В РУКАХ ПРОДОЛЖЕНИЕ СВОЕЙ ЖИЗНИ

Первое мое знакомство с Маликой Абдуллаходжаевой было, можно сказать, кратким – во время третьего съезда патологоанатомов Узбекистана. Оставались считанные минуты до начала мероприятия, а вот желающих как можно дольше пообщаться с ней становилось все больше и больше. Причем это не только коллеги, ученики с различными учеными степенями, но и десятки специалистов из-за рубежа, которые непременно знают о Малике Абдуллаходжаевой – в свое время под ее руководством они защитили кандидатские и докторские диссертации. Были и молодые специалисты из ближнего зарубежья, которые впервые удостоились внимания быть приглашенными на столь авторитетный форум. Они также выражали слова признания нашему ученому за ее бесценные научные труды, широко применяемые в их странах. Тем временем фотообъективы продолжали беспрестанно запечатлеть эти незабываемые моменты. И вот, казалось бы, Малика Абдуллаходжаева уже должна объявить об открытии съезда, но она вновь оказалась в окружении почти, не ошибиться бы, сотен коллег – один щелчок, два, три... Да, сегодня возможности техники таковы, что миллиметрового диаметра стеклышко способно вместить в свой круг любые форматы вот такого широкого общения людей – было бы желание попасть в объектив.

Вспоминаю, в тот момент какая-то особая притягательная сила и меня манила в этот теплый круг, но сумела-таки удержать себя. Ведь кто я среди них? – подумалось мне... Отдельной беседы с Маликой Абдуллаходжаевой у нас тогда не получилось. Двухдневный съезд был насыщен докладами, секционными занятиями, выездными встречами. Однако даже по прошествии почти четырех месяцев та притягательная сила все чаще и чаще продолжала посещать меня. Конечно, это, наверное, от того, что не угасло во мне сильное желание побеседовать с человеком, чье имя ассоциируется с целой эпохой развития патологоанатомии – эпохой, которая перешагнула географические границы. Перечисленные выше регалии, несомненно, наиболее ярко свидетельствуют о ее бесценном вкладе в современную медицину. Но вот наконец настал час, когда мне посчастливилось близко познакомиться с этой удивительно яркой личностью.

«Все в мире покроется пылью забвенья, лишь двое не знают ни смерти, ни тленья. Лишь дело героя да речь мудреца проходят столетия, не зная конца...» Эта цитата, принадлежащая великому поэту Востока Фирдоуси, не требует особого комментария, ибо понятно, о ком идет речь.

Один из мудрецов сравнил человеческую жизнь с рекой. И не только потому, что она быстротечна. По течению реки он определил характер людей. Кто-то в жизни просто плывет по течению, а кто-то – утаившись на дне. Но есть и такие, кому преграды и пути необъятной реки ничто по сравнению с жизнью одного человека, они готовы, если нужно, плыть даже по течению, лишь бы спасти жизни тех первых и вторых... Таких мало, но они герои, жизнь которых даже по прошествии столетий не угасает, она продолжается в их детях, учениках, последователях. И вот таким образом – служа примером героизма, в каждом поколении появляются свои новые и новые герои.

Детство Хужумы, Малики и Марата – всех троих детей Абдусамата и Мукаддам Абдуллаходжаевых пришлось на один из самых тяжелых периодов прошлого столетия – тридцатые-сороковые годы. Будучи детьми, они рано повзрослели, на примере собственной семьи

познав значение слов репрессия, война, голод, разруха и, конечно же, то, каким нелегким путем торжествует справедливость. Несмотря на тяжелые испытания временем, родители, служа примером стойкости и воли, верности слову и делу, сумели привить детям главное – любовь к жизни, страсть к образованию и познанию мира, чтобы вырасти достойными людьми своего народа.

В глубине сердца храня заветы родителей, все трое детей Абдуллаходжаевых в те нелегкие годы закончили школу с золотой медалью, отлично учились и в вузах, а впоследствии стали докторами в различных дисциплинах науки.

У Малики еще со школы была особая страсть к иностранным языкам. В десятом классе она свободно владела английским, хотела поступать в институт международных отношений, чтобы через язык общения сеять благород-



ные порывы мира и дружбы между странами и народами, иначе говоря, стать послом мира. Но накануне выпускного вечера у нее состоялся серьезный разговор с сестрой, которая сумела полностью переубедить Малику в выборе профессии и порекомендовала идти в медицину. Сама Хужума стала гуманитарием с твердым намерением запечатлеть в истории страны все, что знала и видела. Научная и общественная деятельность Хужумы Абдуллаходжаевой была посвящена роли женщин в общественно-политической жизни. Перед Маликой тоже стояла не менее трудная задача, ставшая впоследствии ее целью, – лечить людей, помогать им обрести физическое и моральное равновесие. И это неспроста. Школьница Малика видела немало искалеченных физически людей, вернувшихся с фронта, а также смерть женщин и детей от напастей разразившихся в послевоенные годы различных болезней. По этой же стезе пошел и Марат, посвятив себя здоровью детей.

Малика, на льготной основе поступившая в Ташкентский медицинский институт, настолько увлеченно «уходит» в медицину, что ей временами кажутся недостаточными лекционные занятия. Уже с первого курса она занимается в различных кружках, через год возглавляет студенческий научный кружок, куда активно вовлекает даже старшекурсников. Такая страсть Малики к образованию и науке вскоре была замечена руководством вуза. Ректор Абдумалик Гулямов (в те годы) и председатель научного общества студентов Арманс Аковбян всячески стали способствовать реализации устремлений будущей ученой. За отличную учебу и активное участие в общественной жизни Малика со второго курса удостоивается государственной стипендии. Ее первые научные разработки по теме гистохимических

изменений в нервной системе детей, страдающих отдельными видами заболеваний, были включены в повестку дня студенческой конференции, собравшей научную поросль из 15 республик ближнего зарубежья. Выступление студента из Узбекистана Малики Абдуллаходжаевой вызвало огромный резонанс, что послужило более широкому освещению этой проблемы уже на уровне Всемирного конгресса медиков. На столь представительном форуме Малика была единственным представителем из стран нынешнего СНГ, кто в совершенстве владел английским. Она получила заслуженное признание в лице известных академиков П. Анохина и П. Островерхова, которые дали высокую оценку результатам исследований молодой ученой и предсказали ее будущее, отметив, что при таких знаниях и стремлении к изучению специфических сторон науки М. Абдуллаходжаева в скором времени

в Узбекистане первым среди стран СНГ и пока единственный в центрально-азиатском регионе. В ходе прошедшего съезда патологоанатомов мы узнали, что создание подобных центров в других странах пока не предусматривается, поэтому специалисты соседних стран пользуются возможностями РПАЦ в Узбекистане.

Уникальность этого центра в том, что здесь впервые среди стран СНГ создан комплекс патологоанатомической телемедицины, благодаря которому в отдаленных регионах нашей страны в разы сократилось время определения диагноза заболевания, процесс его лечения. Современная технология высокого действия – в режиме он-лайн подключена ко всей системе патологоанатомической службы, включая региональные бюро и ряд медуниверситетов, что позволяет в течение десяти минут определить или же подтвердить диагноз путем использования электронного микроскопа Цейса. Широкое внедрение в эту сферу медицины подобных ИКТ позволило значительно повысить профессиональный уровень специалистов-патологоанатомов, что подтверждает статистика: процентное соотношение определения диагноза болезни сократилось от сорока до 12-13. Что еще важно подчеркнуть, при необходимости есть возможность проконсультироваться у зарубежных коллег. Специалисты центра и региональных бюро напрямую могут выходить на Базельский университет (Швейцария), где собирается консилуим лучших экспертов в этой области. Как подчеркнула Малика Самадовна, до последнего времени зарубежные коллеги лишь подтверждали изначальные диагнозы, поставленные нашими специалистами.

Тем не менее, как оказалось, не каждый врач может работать в этой сфере. По словам нашей героини, патологоанатомов действительно не так много, как должно быть. Это не простая сфера деятельности, и проблема кадров присутствует даже в европейских странах. *«Могу сказать, что к нам идут работать энтузиасты, которые о медицине знают все. Патологоанатомы – это эксперты врачебной деятельности. За ними – окончательный диагноз заболевания, также они выявляют возможные ошибки врачей в постановке диагноза, лечении, даже госпитализации»,* – отметила Малика Самадовна, разъясняя специфику данного направления медицины.

На мониторе компьютера появляется очередной снимок биопсии, поступивший из Каракалпастана. Тут же он переносится на микроскоп Цейса, и патологоанатом Бахриддин Бабанов, внимательно изучив все контуры представленного анализа, подтверждает диагноз коллеги из регионального бюро о применении больному комплексного лечения, соответственно нет необходимости хирургического вмешательства. Это заключение сиюминутно отправляется по обратному адресу. Мне, как несведущему, конечно, трудно было разобраться во всем этом, но факт, что ушло всего десять минут, чтобы начать и завершить этот процесс, от которого теперь зависит выздоровление человека.

Идея внедрения подобного оперативного метода подтверждения или определения диагноза до точности у Малики Абдуллаходжаевой возникла давно, и, как нам показалось, еще тогда, когда она по направлению работала в штаб-квартире Всемирной организации здравоохранения (Женева, Швейцария) в качестве эксперта и консультанта по вопросам экологии. Возможность тесного сотрудничества со странами мира подтолкнула ее еще на многие другие инициативы, которые наша героиня сумела реализовать,

(Продолжение на 3-стр.)

ДАРУЯ ЛЮДЯМ СЧАСТЬЕ ДЕРЖАТЬ В РУКАХ ПРОДОЛЖЕНИЕ СВОЕЙ ЖИЗНИ

вернувшись уже домой. Но вот об одной, нашедшей подтверждение еще в Женеве, стоит вспомнить особо.

В 80-е годы индийские ученые стали претендовать на открытие ими якобы нового заболевания, поражающего печень, о чем поступило обращение в ВОЗ. И лишь благодаря усилиям Малики Абдуллаходжаевой этот вопрос был решен в нашу пользу. Речь шла о пирролизидиновых алкалоидах, иначе болезни Мирочника, которая была изучена еще в 1946 году узбекскими учеными. В нашей стране тогда были приняты жесткие меры контроля, и за короткий срок удалось полностью уничтожить очаги заболевания, вызываемого сорняком гелиотроп, попадающего в муку вместе с зернами пшеницы. Поскольку информация об этом в ВОЗ тогда поступила в рукописи, большинство стран практически ничего не знали о болезни. С учетом этого Малика Самадовна при содействии ВОЗ готовит выездные лекции в Китае, Индии, других странах. Спустя некоторое время в Женеве в соавторстве М. Аб-

дуллаходжаевой выходит монография на английском языке, посвященная морфологии и другим структурам данной болезни, научно обоснованной узбекскими учеными.

Сегодня перу М. Абдуллаходжаевой принадлежат десятки монографий и учебных пособий. Она является автором двухтомного учебника «Патология человека», изданного на узбекском и русском языках. Под ее редакцией ныне готовится комплексный атлас, на который будут перенесены практически все формы и виды заболеваний, что, безусловно, явится отличным наглядным пособием как для студентов, так и практикующих врачей. Самое главное, что этот атлас издается на трех языках – узбекском, русском и английском. Кроме того, поступил заказ и из российских издательств, соответственно атлас будет издан отдельно также на русском языке. Малику Самадовну мы застали именно за этой работой. На ее столе лежали первые типографские оттиски атласа, но уже нетрудно было догадаться, насколько он бесценен для медицинской науки и практики.

Такая многогранная и содержательная деятельность Малики Самадовны Абдуллаходжаевой в 2006 году была высоко оценена нашим государством – она удостоилась звания Героя Узбекистана.

– Это звание обязывает ко многому, потому что в моем лице награждены женщины-педагоги, ученые, врачи, – говорит Малика Самадовна. – И, наверное, есть символический смысл в том, что три фактора определяют будущее каждого государства – это здоровье населения, его образованность и высокий уровень науки. Еще с первых лет независимости руководством нашей страны стало уделяться особое внимание решению всех вопросов в данных направлениях деятельности. Тому подтверждение – поэтапно реализуемые государственные программы, сформированная законодательно-нормативная база, ну и, конечно же, яркие плоды созидательного труда представителей науки, образования, здравоохранения.

Наш рассказ о Герое страны был бы неполным, если не сказать о ее детях. Малика Самадовна воспитала сына и дочь – Шавката и Дилором, которым сумела привить твердое понимание того, что учиться и трудиться во благо своего народа – первостепенная задача. Значит, она не забыла заветы своих родителей. Ее дети, осознавая всю ответственность, также выбрали профессию врача и уже имеют ученую степень докторов наук. Шавкат специализируется в урологии, впервые практиковал лазерное лечение опухоли кожи. Дилором стала кардиологом. Гордость для нее и внуки Жасур и Диера, которые выбра-



ли свой профессиональный путь и часто радуют успехами бабушку. Но самым большим и дорогим счастьем для нее являются правнуки Ориф и родившаяся в год 80-летия прапрабабушки малышка София. Они даруют Малике Самадовне Абдуллаходжаевой счастье держать в руках продолжение своей жизни.

– Мы живем в мире чудес, – рассуждает наша героиня. – Сама жизнь – это чудо. Про-

сыпаясь утром, ты вновь ощущаешь красоту окружающей – щебет птиц, распустившиеся почки, журчанье воды... Разве это не чудо! Самое священное из этих чудес – умение исцелить человека и вернуть его к жизни. Профессия врача обязывает каждого ее носителя быть верным клятве, а именно посвятить себя служению здоровью людей.

Вот на такой высокой ноте построена вся жизнь Малики Абдуллаходжаевой, ибо она считает, что каждый человек должен ощутить мгновения счастья – держать в руках продолжение своей жизни в первом, втором, третьем и более поколениях.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.
Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.

(Окончание.
Начало на 1-2-стр.)

Эътироф

ЎЗБЕК АЁЛИ ЯНГИЛАНИШ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК БАХТИГА САЗОВОР

аёлларимиз бугун жамиятнинг ишончли аъзоси. Қаерда бўлмайдик, аёлни кадрлаш кераклигини, унга иззатикром кўрсатиш кундалик воқеалар айланганини доимий таъкидлашимиз.

– Ушбу жараёнда, шубҳасиз, қонун устуворлиги муҳим аҳамият касб этади.

– Дарҳақиқат, жамиятни қонунлар бошқаради. Қонунлар – жамиятнинг барча аъзолари бўйсунуши, бажариши, риоя қилиши, итоат этиши шарт бўлган қоидалардир. Ана шу қонунлар устуворлиги таъминланган юртдагина адолат ҳукм суриши, ҳаётимиз фаровонлашиши аниқ. Қонунлар устуворлигини таъминлаш учун эса жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги мукамал, тафаккури ривожланган бўлиши лозим.

Айнан шу ўринда аёлнинг жамиятдаги ўрни ва роли жуда катта. Чунки ҳуқуқий саводхонлик, умуман, баркамоллик инсонда ўз-ўзидан рўй бермайди. Агар аёл ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, мустақил ҳаётини нўқтай назар ва кенг дунёқарашга эга, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб, ўзини бевосита дахлдор деб ҳисобласагина, оилада ҳам фарзандларини комил инсонлар

қилиб тарбиялаш учун мўътадил маънавий-маърифий муҳитни ярата олади. Қолаверса, ҳозирги давр шуни тақозо этади.

– Аҳолининг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этар экан, уларнинг фаоллигини ошириш борасида нималар қилиш мумкин?

– Албатта, аёлларимиз фақат оила юмушлари билан шуғулланмасдан, балки ўзларидаги салоҳиятни тегишли соҳаларда намоён этиш орқали жамият тараққиётида фаол бўлишлари мумкин.

Ҳар томонлама етук, XXI асрга хос ва мос фарзандларни вояга етказиш учун авваламбор тарбиячи, демакки, онанинг интеллектуал салоҳияти юқори даражада бўлиши лозим. Дарҳақиқат, бундай аёллар ўз-ўзидан шаклланмайди. Бунинг учун қизларимиз онгу тафаккурини замонга мос равишда шакллантириш, илм олишига эришиш, улардаги имконият ва салоҳиятни холисона баҳолаган ҳолда жамиятда муносиб ўрин топиши учун зарур шароит яратиш керак. Қолаверса, хотин-қизларни масъулиятли вазифаларга фаол ва кенг жалб қилиш, айниқса ёшлар билан бевосита иш олиб бориш имконини берадиган таълим муассасаларига раҳбарлик лавозимларига кўтариш лозим деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан хотин-қизлар

мавқеи ва нуфузини оширишга қаратилган барча ҳужжатларнинг амалда тўлиқ ижросини таъминлаш вақти келганини алоҳида таъкидлаш зарур.

– Сизнингча, Ўзбекистон хотин-қизлари қайси соҳаларда кўпроқ ютуқларга эришмоқда?

– Бугунги кунда аёлларимиз иштирок этмаётган соҳани тополмайсиз, назаримда. Шуни ҳам тан олиш керакки, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият йўналишлари, кичик ва хусусий бизнесда улар бир мунча ютуқларга эришмоқдалар. Аммо кези келганда, холисона айтиш жоизки, мамлакатимизда иқтидорли хотин-қизлар кўп бўлса-да, илм-фан, техника, молия ва иқтисодиёт соҳасида уларнинг роли етарли деб айтиш қийин.

Салоҳиятли, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган аёлларимиз ҳам кўплаб топилди, лекин давлат ва жамият қурилишида уларнинг иштироки ҳали кенг эмас. Менимча, касбий маҳоратга эга, турмушнинг иқир-чиқирларидан хабардор, шу билан бирга намунали фарзандларни тарбиялаб вояга етказган хотин-қизларни масъулиятли раҳбарлик лавозимларига кўтариш жамият учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

– Вилоят, туман ва олис қишлоқларда яшаётган

аёлларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Қишлоқ аёли, узоқ жойларда яшаётган оналар фарзандлари тарбиясидан чалғимаган ҳолда меҳнат қилиши, ўз оиласининг моддий даромадини оширишга кўмаклашиши учун жуда катта ижтимоий ҳимоя чоралари кўришмоқда. Яхши маълумки, бу борада давлатимиз раҳбарининг касаначилик, фермер хўжалиқларини ташкил этиш, мева-сабзавотчилик, узумчилик, чорвачиликни ривожлантириш ва шу орқали қишлоқ аёлини ҳам иш билан таъминлашга қаратилган фармон ва қарорлари амал қилмоқда. Айни пайтда Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ўйлаймизки, ушбу қонун қишлоқдаги аёллар ҳаётида муҳим аҳамият

касб этади, оилалар моддий фаровонлигини ошириш имкониятларини тубдан яхшилайдди.

Яна бир масалага алоҳида урғу бериш жоиз. Чекка ҳудудларда ҳам хотин-қизлар спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун ихтисослаштирилган замонавий мажмуалар ташкил этилаётганлиги, фарзандларимиз учун турли йўналишлардаги касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қурилаётганлиги қишлоқ аҳолисини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлардир ва бу имкониятлар келажакда ўзининг бебаҳо самарасини албатта намоён этади.

Бугунги кунда қишлоқ аёлининг турмушини янада яхшилайдиган, кундалик юмушларини енгиллаштирадиган тизим тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, қишлоқларда ҳар томонлама қулайликларга эга намунавий уйлар қуриляпти ва бундай шароитдан, табиийки, аҳоли бирдек баҳраманд бўлмоқда.

Сухбатдошимиз билдирган фикрларга ҳамоҳанг тарзда айтмоқчимизки, жамиятимиз ривожини аёлларнинг юксак иродаси ва шижоати билан уйғун экан, бу йўлда уларнинг манфаатини қонуний ҳимоялашда барчамиз бирдек масъул бўлиб, бор куч ва имкониятларимизни ишга солишимиз даркор.

Намоз ТОЛИПОВ суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, ЖАМИЯТ БАРҚАРОР

Мамлакатимизда “Соғлом она – соғлом бола” Концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг репродуктив саломатлиқни таъминлаш бўйича модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилгани бу борада юртимизда амалга оширилаётган изчил ишлар бераётган юксак самараларнинг халқаро эътирофидир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ва 2009 йил 1 июлда имзоланган “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарорларига мувофиқ ўсмир қизлар, туғруқ ёшдаги аёллар бир йилда икки марта тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган хасталиклар ўз вақтида бартараф этилмоқда.

Бунда қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, шошилич тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидан иборат комплекс тизим хизмати муҳим омил бўлмоқда. Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида бир қатор янги тиббий муассасалар ташкил этилди. Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, Республика перинатал, скрининг марказлари ва уларнинг барча вилоятдаги филиалларида хотин-қизларга юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ҳомиладор аёлларни таркибида инсон организми учун зарур моддалар мавжуд поливитаминлар билан бепул таъминлаш амалиёти юксак самаралар бермоқда. Ҳар йили қишлоқ жойлардаги тўрт юз

минг нафардан зиёд ҳомиладор аёлга ана шундай шифобахш воситалар етказиб берилмоқда. Бунинг натижасида аёлларда экстрагенитал касалликлар кўрсаткичи, оналар ва гўдаклар ўлими уч баробар камайди. Аёлларнинг ўртача умри сезиларли даражада узайди.

Хотин-қизларнинг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш

Ҳаётий тажрибадан ўтган бундай миллий тугумлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида янада ривожлантирилди. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аҳоли репродуктив саломатлигини асрашга қаратилаётган эътибор ҳам айна шу мақсадга йўналтирилгандир.

Марказнинг ҳудудий бўлимлари, туманлардаги тиббиёт бирлашмалари ҳузурида репродуктив саломатлик хоналари ташкил этилган. Бу тизимда гинеколог, онкогинеколог, психолог, педиатр ва бошқа мутахассислар аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Саъй-ҳаракатлар аҳамиятини аҳолига етказиш мақ-



Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази томонидан аҳолига кенг кўламли малакали тиббий диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатилмоқда. Бунда аёлларга бир қатор имтиёзлар яратилган. Ўсмирларда учрайдиган репродуктив саломатликка таъсир этувчи касалликлар даволанади. Ушбу марказда қонунчилигимизда кўзда тутилган барча имтиёзли тоифалар бепул тиббий ёрдам олиш имкониятига эга.

Бугунги кунда қишлоқ жойлардаги бирламчи тиббиёт масканларида репродуктив саломатликка таъсир этувчи омилларни барвақт аниқлаш ва самарали даволаш учун барча имконият мавжуд. Тизимда фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси оширилмоқда. Шу мақсадда марказ шифокорлари томонидан бирламчи тиббиёт масканларида ўқув-услубий тадбирлар ташкил қилинган бўлиб, улар ўсмир ёшдаги йигит-қизларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда. 2012 йили пойтахтимиздаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўтказилган бундай тиббий кўрикларга тиббиётнинг саккизта йўналиши бўйича малакали мутахассислар кенг жалб этилди.


Ўттиз нафар олим ва ёш тадқиқотчи фаолият юритаётган Республика аҳоли репродуктив

саломатлик марказида илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай тадқиқотлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлда қабул қилинган “Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори асосида амалга оширилаётган ҳомиладор аёлларга поливитаминлар етказиб бериш дастури самараларини ўрганишга бағишланган.

Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида илмий тадқиқот олиб борилмоқда. Ўрганишлар поливитаминлар истеъмол қилаётган ҳомиладор аёлларда ва туғилаётган болаларда камқонлик хасталиги кўрсаткичлари кескин камайиб, саломатлиги яхшиланиши, турли ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари пайсаяганини кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш борасидаги ишлар бераётган юксак самаралардандир.

Б. ХИДИРОВА,
(ЎЗА).



бўйича Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

– Репродуктив саломатлик жамият тараққиётини белгилловчи муҳим омиллардан, – дейди Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори, профессор Маҳмуд Каттахўжаева. – Аждодларимиз қадимдан бу масалага жиддий эътибор қаратган, насл-насабининг соғлом бўлиши кўп жиҳатдан қизларнинг саломатлигига боғлиқ эканлигини яхши англаган.

садида маҳаллалар, таълим масканлари ва хонадонларда тиббий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бундай учрашувларда малакали шифокорлар репродуктив саломатликка салбий таъсир этувчи омиллар, ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик, ОИВ инфекцияси каби иллатларнинг инсон ҳаёти ва келажак насллар саломатлигига таҳдиди, уларнинг олдини олишда оилавий қадрларнинг ўрни хусусида суҳбатлар ўтказиб келмоқдалар. Мавзуларга оид қўлланма, буклет ва тарғибот материаллари аҳолига тарқатилмоқда.

Одамлар орасида

ОИЛАЛАРГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТИБ

Дард танага озор берганда, оқ халат соҳибига умид кўзи билан боқамиз, унга ишониб, тақдиримизни ҳам топширамиз. Ҳа, шифокорнинг сеҳри қўллари шундай мўъжизалар яратишга қодир экан.

Ҳамма аёллар каби Нафиса ҳам турмуш ўртоғи билан бахтли ҳаёт қуриб, фарзандли бўлишни орзу қиларди. Лекин ушбу орзулар рўёбида улар қаерларга боришмади дейсиз... Шу зайл 12 йил ўтди.

Кунларнинг бирида Нафисага Хоразм вилоят туғруқ мажмуасидаги акушер-гинеколог Нигора Қутлимуратовага учрашишни тавсия этишди. Белгиланган кунда Нафиса бу шифокор қабулида бўлиб, ўзида қандайдир хотиржамлик сезди. Нигора Қутлимуратова уни кўриқдан ўтказиб, назоратига олди. Орадан кўп ўтмай, Нафиса яна бир марта текширувдан ўтказилганда, бир ойлик ҳомиласи борлиги аниқланди. Нахотки деярли армон бўлиб қолган орзуси амалга ошди. Нафисанинг кўзларидан севинч ёшлари оқди.

Ҳа, қўли гул шифокор қаҳрамонимиз-

га ўхшаган аёллар саломатлигини тиклаш ва фарзандли бўлишдек бахтга муяссар қилмоқда. Олдига келган ёш келинчақлар ва хотин-қизларнинг саломатлиги, турмуш шароитларини ўрганиб, уларга ҳам тегишли тавсиялар беради.

– Оилада кимдир касал бўлса, шифокор чақирардик. Уларнинг эгнидаги оқ халатига ҳавасим келарди. Катта бўлсам, албатта шифокор бўламан, одамлар дардига малҳам топаман деган ниятимга эришишда устозларим ҳиссаси катта, – дейди Нигора Қутлимуратова.

Асли ҳазораспик Нигора мактабни тугатгач, Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультетида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини дастлаб ТТА Урганч филиалида илмий ходим, катта ўқитувчи сифатида бошлади, кейинчалик акушерлик ва гинекология кафедраси ўқитувчиси, айна кунда эса соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси вазифасини бажариб, мутахассисларнинг меҳна-

тини рағбатлантириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек савобли ишларда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айна кунда Нигора Қутлимуратова амалий фаолият билан биргаликда хотин-қизларнинг тиббиёт соҳасидаги билимларини ошириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш борасида тушунтириш ишларини ҳам олиб боради, айниқса маҳаллаларда тез-тез суҳбатлар ташкил этади. Шу билан бирга “Ўсмир қизларни жисмоний ривожланишдан орқада қолиш ҳолатининг олдини олиш” мавзусида илмий изланишларини ҳам давом эттирмоқда.

Ҳа, Нигора Қутлимуратова сингари фидойи тиббиёт ходимлари келажакимиз эгалари бўлган ўғил-қизлар баркамол вояга етишида билим-тажрибасини хайрли ишларга бағишламоқда.

Ўғилжон РАҲИМОВА,
журналист.



Фарзанд – насл давомчиси, ҳаёт мазмуни. Нафиса ҳам ўз хонадонни қувончини истаб, куну туну илтижо қилар, кўча-кўйда ҳомиладор ёки боласини етаклаб келаётган оналарга ҳавас ила боқарди. Аммо “мен ҳам фарзандли бўлармиканман?” деган ҳаёллари армонга айланиб бораётганидан кўзёшларини тия олмасди...

Достижения медицинской науки

ОСТРОВ НАДЕЖДЫ

Детские воспоминания... Какие они? Что хранится в сокровенных уголках нашей памяти? Розовое облако сладкой сахарной ваты, любимая игрушка, друзья... Возвращаясь мысленно назад, невольно вспоминаю Юлину беспомощную, с притаившейся в уголках губ грустью улыбку. А еще неловкие, порой кажущиеся со стороны нелепыми движения девочки, которой я старалась помочь в детсаду держать ложку, надеть туфли, застегнуть курточ-

ку... Большинство из нас, видя людей с диагнозом церебральный паралич, относятся к ним как к практически неизлечимым больным. Вне такого понимания специалисты уникальной в Узбекистане Республиканской психоневрологической детской больницы имени У. Курбанова. Высокий профессионализм врачей, использование ими новейших методов лечения помогают маленьким пациентам вновь учиться не только ходить, но и жить.

Залитый солнцем просторный двор, украшенные разноцветными флажками корпуса, скульптуры сказочных героев, бассейн... Благодаря совместным усилиям сотрудников больницы с настраивающим определением «психоневрологическая» некогда территорию детской и родительской скорби сегодня по праву можно назвать островом надежды.

Республиканская психоневрологическая детская больница появилась в нашей столице после разрушительного землетрясения 1966 года во многом благодаря инициативе заслуженного врача Узбекистана Умара Курбанова. Сегодня, как и много лет назад, это единственное специализированное медицинское учреждение республики, осуществляющее всестороннюю помощь детям с перинатальной патологией центральной нервной системы и церебральным параличом. Кроме ДЦП, в клинике комплексное лечение получают дети с последствиями менингоэнцефалита, посттравматическими поражениями ЦНС, а также постинсультные больные, которые имеют схожую клинику с церебральным параличом. Параллельно лечатся и сопутствующие основному недугу заболевания.

Основной же целью работы нашего учреждения остается предупреждение и снижение инвалидизации детей с ДЦП, — говорит главврач психоневрологической больницы, кандидат медицинских наук, детской категории Шоиры Нурматовой. — Положительного результата во многом удается достичь благодаря использованию эффективных методов лечения наших маленьких пациентов.

И это, по словам Ш. Нурматовой, не только использование ЛФК, массажа, лечебной хореографии, но и аппаратной физиотерапии, кинезотерапии (метод лечения, основанный на использовании тренажеров), иглорефлексотерапии, лечения положением. Перспективным считается и современный метод — инъекционная фармакопунктура. В основе ДЦП лежит патология мышечного тонуса, а данный метод привлекает тем, что благодаря введению препарата микродозами в определенные точки расслабляются только те мышцы, которые участвуют в формировании дефекта.

Но медикаментозное лечение маленьких пациентов является не основным в деятельности больницы. Зачастую помочь преодолеть страшные последствия недуга способно только хирургическое вмешательство. Сегодня в клинике осуществляется более двадцати методов операций. Так, в прошлом году проведено 380 операций, связанных с коррекцией контрактуры и деформации в конечностях больных с ДЦП. Как отметил замести-

тель главврача по лечебным вопросам, кандидат меднаук, травматолог-ортопед высшей категории Фарход Хамраев, операции проводятся во всех сегментах (суставах) как нижних, так и верхних конечностей (последние считаются очень сложными и одновременно высокоэффективными, после них пациенты могут манипулировать неподвижной до хирургического вмешательства рукой, причем РПНДБ является единственной в Средней Азии больницей, где осуществляется подобный вид операций). Здесь внедрен еще один вид уникальной операции — ахилопластика, которая заключается в коррекции эквинусной деформации стоп за счет предварительного математического расчета длины удлинения ахилова сухожилия с учетом возраста и роста ребенка. Данный метод был разработан врачом психоневрологической больницы Анваром Мирзаевым.

— За последние годы, — продолжает развешивать Ф. Хамраев, — нами получено девять

Хамраев тот факт, что с каждым годом число оперируемых больных увеличивается, и это связано не с ростом заболевания, а желанием родителей поставить ребенка на ноги. Хирургические вмешательства выполняются только при фиксированных



удостоверений на новые способы лечения и рациональные предложения, которые благополучно применяются на этапах реабилитации пациентов. Среди них — метод хирургической коррекции на тазобедренном, коленном и голеностопном суставах. При этом все хирургические вмешательства выполняются поэтапно, чтобы дать возможность ребенку реабилитироваться в послеоперационном периоде. Они осуществляются под руководством профессора Шахоба Хамраева, который является одним из основоположников организации хирургической службы больных с ДЦП в годы независимости. Кроме того, длительные операции, сопровождающиеся наркозом, не желательны для этого контингента больных, так как здесь причиной заболевания является поражение центральной нервной системы, а продолжительный наркоз может отрицательно повлиять на деятельность ЦНС. Поэтому стараемся делать хирургические вмешательства малыми, технически не сложными, но с хорошим положительным результатом. Особо подчеркивает Фарход

контрактурах и деформациях конечностей, то есть не ранее 5-6-летнего возраста. В более младшем возрасте у пациентов с ДЦП еще сохраняются патологические тонические рефлексы, которые у здоровых детей исчезают к шести месяцам, а у больных с ДЦП сохраняются до 3-4-летнего возраста, что может стать причиной рецидива уже каллигированной операцией деформации.

Но, по словам врачей, практика показывает, что одно хирургическое вмешательство не совершит чуда. Для того чтобы ребенок смог ходить, у него должны быть навыки ползать, сидеть, вставать. Послеоперационная программа рассчитана на период от шести месяцев до года. В больнице этому уделяется огромное внимание, так как несвоевременно проведенная послеоперационная реабилитация, к сожалению, может стать причиной рецидива или обратной деформации контрактур в конечностях.

Наибольшего эффекта в реабилитации больных с ДЦП, убеждена главврач Шоиры Нурматовой, можно достичь, если проводить работу в трех сферах — двигательной, психологической



токидс в больнице открыта комната с красивым оформлением и названием Фитоландия. Яркий и нарядный кабинет имеет широкие возможности — здесь есть игровая, учебная, гимнастическая территории, дети участвуют в театрализованных постановках.

— Только такой всесторонний подход к лечению и реабилитации маленьких пациентов поможет им в дальнейшем выработать эффективные навыки самообслуживания, социально адаптироваться в обществе, чувствовать себя полноценными людьми, несмотря на то, что ДЦП полностью не излечивается, — говорит мне Шоиры Нурматовой, когда вместе обходим все комплексы больницы.

Отправным пунктом в деле реабилитации больных является детская консультативно-диагностическая поликлиника, также функционирует стационар на 250 коек. Мама, приехавшая с малышами из областей республики, имеют возможность оставаться вместе.

Консультативно-диагностической поликлиники Аббос Кадыров, зачастую к ним поступают дети по направлению от других медучреждений — в группу риска автоматически попадают новорожденные с низкой массой тела, гемалитической желтухой, перинатальной энцефалопатией, когда у матери во время беременности была обнаружена TORCH-инфекция. Есть и много других факторов риска.

В целом же сегодня в Узбекистане отмечается снижение уровня заболеваемости ДЦП. Но предупредить всегда легче, чем лечить, подчеркивают врачи больницы. Вот почему так важно выявлять риск развития болезни на ранних стадиях. Этому будут способствовать своевременный скрининг, исследования в перинатальных центрах. Возможно, тогда риск развития страшной болезни можно будет свести практически к нулю.

Для врачей радость на лице ребенка, его улыбка без притаившейся в уголках губ грусти — настоящий праздник. Вернуть такое счастье детям в Республиканской психоневрологической больнице стремится весь медперсонал. Среди сотрудников немало представителей прекрасной половины человечества, которые воспринимают каждого вновь прибывшего пациента с материнской заботой.

Так пусть же светлый весенний праздник 8 марта принесет им радость и счастье от сознания выполненного перед детьми врачебного долга, подарит новые силы для продолжения благородного дела.

Оксана КАДЫШЕВА.
Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.

Болалар спорти

ЎҚУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ(Давоми. Боши ўтган
сонларда).

“Спорт” тушунчаси билан бирга кўпинча “жисмоний тарбия” ёки уларнинг уйғунлашган ҳолдаги “жисмоний тарбия ва спорт” деган тушунчадан ҳам фойдаланилади. Спорт жисмоний тарбиянинг йирик таркибий ҳамда ажралмас қисмидир. Жисмоний тарбиянинг бир қатор ижтимоий функциялари спортга ҳам тааллуқлидир. Бироқ спортнинг ҳамма турларини ҳам жисмоний тарбиянинг таркибий қисмига киритиб бўлмайди. Бу “жисмоний тарбия” атамаси остида жамият ва шахс маданиятининг жонли қисми тушуниши билан боғлиқ, одамнинг ўз ҳолати ва ривожланишининг энг қулай омили сифатида ҳаракатли фаолликдан оқилона фойдаланиши ва ҳаётини амалиётга жисмоний тайёргарлигини ривожлантириб бориши англашади.

Шахмат, шашка, бридж, модели-конструкторлар фанлари сингари спорт турлари спортчилар юқори натижаларни қўлга киритишларида доир тайёргарлигида бош восита ҳисоблана-да, бироқ уларда бевосита жисмоний машқлардан фойдаланиш билан боғлиқ фарқланишлар йўқ. Албатта спорт жисмоний тарбиянинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, аммо бир вақтнинг ўзида у маълум бир мустақилликни қўлга киритганча, унинг доирасидан четга чиқади.

Ўзбекистон ва бутун жаҳондаги спорт ҳаракатлари қоидага кўра оммавий спорт амалиётини қамраб олган. Болалар, ўсмирлар, ўспиринлар, қизлар ва катта ёшдаги одамларнинг кўп миллионли армияси спорт билан шуғулланар экан, ўз саломатлигини мустаҳкамлайди, одамлар билан мулоқотдан завққа тўлади, ўзлари танлаган спорт ихтисослиги бўйича тақомиллашиб, жисмоний ҳолатларини, умумий ишчанлик

қобилиятларини оширишади ва ўз имкониятларига мувофиқ ҳолда спорт натижаларига эришишади.

Спорт нафақат жисмоний ва спортдаги тақомиллашишга катта имкониятлар тақдим этади, балки ахлоқий, эстетик, ақлий ва меҳнат тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Спортнинг ўзига тортадиган кучи, жисмоний ва руҳий кучларни намоён қилишга бўлган юқори талаблари, инсоннинг шахсий йўналишли тарбияси, маънавий қирралари ва сифатлари учун кенг имкониятлар очиб беради. Спорт ижтимоий педагогик тизимга киритилгани боис, у жисмоний тарбиянинг амалий воситаси ҳам ҳисобланади, спортнинг профессионал-амалий турлари билан шуғулланиш туфайли, у меҳнат ва ҳарбий фаолиятда ҳам муҳим таркибий қисмлардан бири бўлиб қолмоқда.

Соғломлаштириш-рекреативли функциялар инсон организмнинг функционал имкониятлари ва спортни унинг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатишида ҳам намоён бўлмоқда. Бу, айниқса болалар ва ўсмирлар спортида яққол кўзга ташланмоқда, бунда спорт билан шуғулланиш натижасида унинг ривожланаётган ва шаклланаётган организмга таъсири бекиёсдир. Айнан мана шу ёшда саломатликнинг асосларига пойдевор қўйилади, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш малакалари сингдирилади, шахсий ва умумий гигиена одатлари шаклланади. Спорт бир вақтнинг ўзида ижобий ҳис-ҳаяжонлар манбаи ҳамдир, бу болаларнинг руҳий ҳолатини тенглаштиради, ақлий чарчоқлик ҳолатини енгиш-

га ёрдам беради, “мушакли кувонч” нималигини англашга замин яратади. Айниқса, унинг болалардаги салбий гиподинамия ҳолатларини бартараф этишдаги роли улқандир.

Ҳис-ҳаяжонли, томошабоп функциялар – спорт ўзиде эстетик хусусиятларини намоён қилиши орқали очилади, улар инсоннинг жисмоний ва маънавий сифатларининг уйғунлашуви орқали кўзга ташланади, шунингдек у спорт билан ҳам чегаралашади. Бу ўринда,

ратли омилардан бири саналади, шу орқали ижтимоий муносабатлар тажрибаси билан шуғулланишнинг шаклланишига ҳам эришасиз. Унинг шахс ижтимоийлашуви жараёнидаги муҳим роли ҳам шунга асосланган.

Специфик спорт муносабатлари (шахслараро, гуруҳлараро, жамоалараро) истайсизми-йўқми, спорт доирасидан чиқиб, ижтимоий муносабатлар тизимига жалб қилинади. Ушбу муносабатларнинг йиғиндисини – спортнинг шахсга таъсири, ҳам спортдаги, шунингдек анча кенгроқ миқёсдаги соҳаларда эришган ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш унинг асосини ташкил қилади.

Спорт ҳаракати оммавий-ижтимоий оқим сифатидаги кўринишини қўлга киритар экан, ижтимоий интеграция омилар сифатидаги аҳамиятга эришди, яъни одамлар ва бирлашмаларни бир гуруҳга – ташкилотлар, уюшмалар, клубларга бирлаштириб, уларнинг манфатлари ва ўзларини қониқтирадиган фаолиятлари бўйича яқинлаштирди. Спортнинг оммавийлиги, спорт натижаларининг табиий равишда халқ, миллат, давлатнинг нуфузли манфаатлари сифатида баҳолаш уни оммага қулай тарзда таъсир кўрсатадиган манбага айлантдириб қўяди. Замонавий дунёда бундан тижорат мақсадларида ҳам фойдаланилади.

Жамиятнинг айни дамда инсонпарварлашуви, инсоният ривожланаётган дамларда спортни

ҳалқаро алоқаларда ривожлантириш, сайёрамизда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида халқларнинг ўзаро алоқалари ва маданий ҳамкорлигининг етакчи омилига айлантдириб қўймоқда. Спорт халқаро мулоқотларда аллақачон нуфузли ўринни эгаллаб бўлган.

Халқаро спорт алоқалари бизнинг давримизда улкан кўламлар касб этиб, “Спорт ҳамма учун” ва Олимпия ҳаракатлари сингари спортнинг кенг миқёсдаги шакллари, замонавий байналминал оқимга айланиб қолганига ажабланмас ҳам бўлади. Шунинг таъкидлаш зарурки, ҳозирги вақтда Халқаро Олимпия кўмитаси 200 га яқин Миллий Олимпия кўмиталарини бирлаштириб турибди.

Спортни ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар 3 карра бўлиб ўзини оқламоқда Бу энг аввало, аҳоли саломатлик даражасини ошириш, умумий ишчанлик қобилиятини яхшилаш, инсон умрини узайтириш каби ижтимоий соҳаларда яққол намоён бўлмоқда. Спорт ҳақидаги фан, унинг моддий-техник базаси ривожланиши, кадрларни тайёрлаш – буларнинг бари болалар ва ўсмирлар спорти, оммавий ва юқори натижалар спортининг ривож топишига кенг имкониятлар яратмоқда.

Ижтимоий аҳамиятлар ҳам, шунингдек молиявий маблағларга эга – бу спорт томошалари, спорт иншоотларидан фойдаланиш орқали олинган даромадлардир. Бироқ булар спортни ривожлантириш йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари қилаётган саъй-ҳаракатлар олдида айтарли ҳеч нарса эмас. Жамиятимизнинг асосий қадрияти – бу саломатликдир. Ва мана шу нуқтаи назардан олганда – спорт бебаҳодир.

Дилором АХМЕДОВА,
Республика ихтисослаштирилган педиатрия
илмий-амалий тиббиёт маркази
директори, профессор.
(Давоми бор).

Истеъдод соҳиблари

ОН-ЛАЙН ТИЗИМИДА – КОСМЕТИКА ВА ФАРМАКОЛОГИЯ

Бугунги кунда фармацевтика фаолиятини ҳам замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фан-техника ютуқлари бу соҳада ҳам ўзини яққол намоён этмоқда.

Қадим-қадимдан аждодларимиз ташқи ва ички гўзаллик уйғунлигига алоҳида эътибор қаратишган, жумладан, юз пардозини ва парваришини бўйича ўзига хос мактаб яратиб, бу ҳақда қўлланмаларда ҳам ёзиб қолдиришган.

Биз бундай меросни чуқур ўрганиб, амалиётда аввал эҳтиёткорлик билан қўллашга ҳаракат қилмоқдамиз ва маълум ютуқларга ҳам эришдик...

Шундай ютуқларимиздан руҳланган ҳолда, юздаги маълум ноҳуш ҳолатлардан азият чекаётган беморларга он-лайн, яъни интернет орқали реал вақтда маслаҳат ва тавсиялар берадиган веб-сайт ташкил қилдик.

Ушбу электрон тизим орқа-

ли юз терисидаги ўзгаришлар ҳақида умумий ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда савол бандлари танланади ва тест каби жавоблар белгиланади. Бошланғич нисбий хулосадан сўнг қайси усулда парваришлаш лозимлиги борасида қўлланмалар берилади. Агарда савол билан муурожаат қилаётган беморнинг юзидаги жараён савол-жавоб бандларида келтирилмаган бўлса, consult@farminfo.uz электрон почта манзилига тўлиқ шаклда савол ёки қийнаётган муаммо юборилади. Косметолог-экспертларимиз орқали саволга 24 соат ичида жавоб қайтарилди. Мижоз исм-шарифи ва касаллик тарихи сир тутилиши сайт маъмурияти томонидан қафолатланади. Сайт хавфсиз-

лик даражаси юқори даражада бўлиб, Тошкент ахборот технологиялари университети мутахассислари томонидан кузатиб борилади.

Шу асосда дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари, уларни қўллаш усули, миқдори ва шу каби умумий ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда касаллик турлари ҳам танланиб, тегишли равишда тавсия ва йўлланмалар берилади. Алоҳида саволлар фармацевтик-экспертлар томонидан шарҳланади. Бироқ шуни эслатиб ўтамизки, беморни жойида махсус текширувдан ўтказмасдан дори-дармонлар тавсия этилмайди.

Баъзида тезкор ташхис талаб этиладиган ҳолатлар ҳам бўлади. Масалан, бемор дори миқдорини ошириб юборгани туфайли ноҳуш ҳолат келиб чиққанда, шифокор этиб келгунга қадар веб-сайт орқали тегишли



тавсиялардан фойдаланиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлашим жойизки, ушбу веб-сайтни яратишда устозларимиздан физиология, фармакология ва клиник фармацевтика кафедраси мудири, профессор Саид Амирсайдов, физиология, фармакология ва клиник фармацевтика кафедраси

профессори Ҳабибулла Алиев ҳамда 1-босқич магистри Висола Тўхташевларнинг гоёлари ҳам муҳим ўринга эга бўлиб, мазкур ишимизни ҳам-жиҳатликда олиб бормоқдамиз.

Кўшмурад ЁМФИРОВ,
Тошкент фармацевтика
институтини талабаси.

Вилоятдаги мухбирларимиз хабар қилади

Наманган вилояти

НИШОНДОРИМИЗ

БАХТ КАЛИТИ – МЕҲНАТДА

Зулфия Мадраҳимова туни билан беморлар бошида парвона бўлди. Навбатчиликка келгандаёқ бир зум бўлса ҳам тин олмади. Тонгга яқин келтирилган кекса отахон анча азият чекибди. Хайрият, ҳамкасабалари ҳам ўзи сингари кўп йиллик тажрибага эга. Беморга керакли тиббий муолажалар кўрсатилди. Натижада қариянинг нафас олиши меъёрлашиб, аста уйқуга кетгач, Зулфия хотиржам шифохона ҳовлисига чиқди. Гулзор оралаб юраркан, кимдир чақирди. Ҳамшира Мавлуда экан. Унинг қўлида бир даста гул.

– Байрам арафасида биринчи галда сизни табриклагим келди. Ахир фахримизсиз – Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги муносабати билан “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирлангансиз. Меҳнатингиз меvasи бу, – деди Зулфияни кучоқлаб Мавлуда. – Бугун, адашмасам, 15-20 нафар бемор ётқизилди. Сиз эса тиним билмадингиз...

Зулфия 1971 йилда Уйчи туманидаги Ёркўргон қишлоғида зиёлилар оиласида туғилди. Отаси Султонмахмуд

ака педагог, онаси Мавлудахон кутубхоначи бўлиб ишлаб, нафақага чиқишган.

Қишлоқдаги 33-мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган ҳаракатчан қиз 1988 йилда Наманган тиббиёт коллежига ўқишга кирди. 1990 йилда умуамалиёт ҳамшираси ихтисослиги бўйича дипломни қўлига олгач, Уйчи туман юқумли касалликлар шифохонасида иш бошлади. Матлуба Парпиева ва Маҳмуда Исмоиловалардан касб сирларини эринмай ўрганди. Тез орада сергайратлиги, зийраклиги, хушмуомаласи билан

жамоа орасида хурмат тоғди.

2003 йилдан буён Зулфия Мадраҳимова фаолиятини вилоят юқумли касалликлар шифохонасида давом эттирмоқда. Ҳамкасбалари Мавлуда Мамажонова, Нилуфар Бекмирзаева, Азиза Ҳошимова, Гулчеҳра Убайдуллаевалар билан бирга реанимация бўлими бошлиғи Раҳматилла Назаров бошчилигида тиббиётдаги янгиликларни амалиётда қўллашаётгани, аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтиришаётгани яхши самара бермоқда. Бўлимда даволанганлар кўча-кўйда “халоскорларига” самимий миннатдорчилик изҳор этиб, Зулфиядек хушзабон нажот фаришталарига катта раҳмат айтишганда, барча чарчоқлар тарқаб кетади.

Зулфия Мадраҳимованинг ўғли Соҳибжон ҳам онаси изи-



дан бормоқда. У Чортоқ тиббиёт коллежини тамомлаган, келажакда онасидек эл суйган инсон бўлишни ният қилган.

Донишмандлардан бирининг шундай ҳикматли сўзи бор: “Дунёда ким бахтли деб сўралганда, эрталаб ишга, кеч-

курун оиласи даврасига шошган одам энг бахтлидир”.

Ҳалол меҳнати туфайли бахт топаётган Зулфия Мадраҳимовага эзгу саъй-ҳаракатларида ривож тилаб қоламиз.

Рустамали МАМАДАЛИЕВ.

Фарғона вилояти

ОБОД ТУРМУШ ТАЯНЧИ

Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Фарғона гарнизони офицерлар уйида “Аёл – обод турмуш таянчи” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Анжуманда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси Иқбол Мирзо, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Хўжаева, “Нуроний” жамғармаси бўли-

ми раиси Топиволди Холдоров, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти филиали раҳбари Ориф Абдуллаевлар “Аёл маънавияти”, “Оила психологияси ва оилавий муно-

сабатлар”, “Фарзандлар тарбияси – мустаҳкам турмуш гарови” мавзуларида атрофлича фикр юритишди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда оилаларга йил сайин эътибор кучайтириб борилмоқда, шу жумладан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоя-

сини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Тадбир иштирокчилари истеъдодли қалам соҳиблари Раҳмон Қўчқор ва Абдунаби Бойқўзиёвнинг Ватан, истиқлол, юксак инсоний фазилатларни мадҳ этувчи ижод намуналари-

дан баҳраманд бўлишди. Шунингдек Юсуфжон қизи Шакаржонов номидаги вилоят муסיқали драма ва комедия театри томонидан сахналаштирилган “Эргинамнинг орзуси” номли ҳажвий асар ҳам намойиш этилди.

Муҳаммадjon МАХМУДОВ.

«УСТОЗ-ШОГИРД»:

Бухоро вилояти

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамширалар кенгаши томонидан “Тиббиёт коллежларида таълим сифати ва амалиёти: муаммолар ва истиқболли вазифалар” мавзусида семинар-конференция ўтказилди.



Тадбирда Бухоро Давлат тиббиёт институти ўқитувчилари, Бухоро, Ғиждувон, Қоракўл

ва Афшона тиббиёт коллежлари директорлари, амалиёт бўйича услубий раҳбарлар, даволаш-

профилактика муассасалари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бош шифокор ўринбосарлари, бош ҳамширалар, ўқувчи-талабалар иштирок этди.

Семинарда “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги “Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Тиббиёт коллежлари ўқувчилари назарий билимларини вилоят даволаш-профилактика муассасаларида амалда қўллаш имкониятига эга бўлмоқда. Бу борада уларга устозлик қилаётган малакали шифокор ва ҳамширалар кўникмалар орттириб, аҳоли билан ишлашга ўргатмоқдалар.



Маълум қилинганидек, бугунги кунда 1,7 миллиондан зиёд вилоят аҳолисига ўнлаб даволаш-профилактика муассасалари ва КВПлар самарали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Семинарда Бухоро давлат тиббиёт институти доценти И. Шукуров, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош ҳамшираси М. Сафоева, Қоракўл тиббиёт коллежи директори ўринбо-

сари Д. Бойматова, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бош мутахассиси Н. Ачиловаларнинг мавзуга оид маъруза ва ахборотлари тингланди.

Тадбир якунида соҳа олдида турган муаммолар ечими юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Илҳом ШУКУРОВ,
Бухоро Давлат тиббиёт институти доценти.

Человек и его дело

ОНИ – МУЗА ГАЗЕТЫ

У вас в руках очередной номер газеты “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана”, регулярно выходящий каждую пятницу и знакомящий с переменами, происходящими в области медицины в нашей стране.

Сегодня 8 Марта. Поэтому позвольте познакомить вас, дорогие читатели, с коллективом, делающим газету, потому что он состоит в основном из женщин.

Начнем с руководителя – Ибодат Джураевны Соатовой. Энергии этой хрупкой на первый взгляд женщины может позавидовать и крепкий мужчина. Вся республика объезжена ею: области и районы, города и кишлаки. И все для того, чтобы донести до читателей все изменения, происходящие в Узбекистане. Сколько много нового увидено и узнано, а затем перенесено на полосы газеты – новостройки, СВП,

семинары, конференции, встречи с интересными людьми. И все – оперативно и с первых рук.

Шахноза – корректор, которая отда- ла газете не один с год своей трудовой

жизни. Она же, когда нужно, – и оператор набора, и дизайнер, а также человек, вносящий позитивное настроение в коллектив. Трудолюбию же ее можно только позавидовать.

Людмила Ивановна и Мавжуда, Нигора и Рано, Оксана, Диера, Маргуба – обо всех можно много говорить. И каждый из них старается внести свой вклад в создание очередного номера, который вы будете держать в руках и, надеюсь, с интересом читать.

Так позвольте от вашего имени, наши дорогие читатели, поздравить этот небольшой, но дружный коллектив с праздником 8 Марта, пожелать им всем здоровья и творческих успехов в их таком нужном труде.

Евгения СЕМИЛЕТОВА.

*Азиз она-сингиллар!
Жалми миз саломатлиги йўлида
фидокорона меҳнат
қилаётганингизга тан бериб,
қалбларга эзгулик тафтини олиб
кирган нафосат ва гўзаллик
байрами 8 март - Жалқаро хотин-
қизлар куни билан самимий
муборакбод этамиз!
Сизларга қили қоридек оқлик, баҳор
гулидек нафислик, ёз саратонидек
қайноқлик, куз тонгидек
мусаффолик тилаймиз.*

РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

Шеърят

АЁЛГА ЭҲТИРОМ

*Дунёда шундай бир улғу зот борки, биз ундан
халмиша қарздормиз. Ухам бўлса - ОНАДУР!*

*Кўлимда даста гул паранда себинг. | Сизни олмишаман, дилдаги улғид,
Сизга ошиқман, Сизга, Онажон. | Жаҳонимга гул тутай, Сизга, Онажон!*



ОНА МАДҲИЯСИ

Она – азиз, она улғу зот,
Она борки, бордир бу ҳаёт.
Оналарнинг буюк қалбидан,
Еру кўклар, олам барҳаёт.



Улғубекнинг бешигин тутган,
Навойдек шоир яратган.

Онажонлар, бор бўлинг, омон,
Сизга таъзим, сизга шараф-шон.
Сизлар билан ҳаёт осуда,
Сиз буюксиз, улғу маъбуда!

Асал УЗОҚОВА.

ҚУТЛУҒ БЎЛСИН БАЙРАМИНГИЗ!

Опажонлар, сингилжонлар,
Қутлуғ бўлсин байрамингиз.
Бахт-қувончга ҳамроҳ бўлсин,
Ҳар дақиқа, ҳар дамингиз.

Оилада сизлар гўё
Тўлин ойдай порлагисиз.
Биз, эрларни, зафарлар-у
Омадларга чорлагисиз.

Бола-чақа парвариши
Зиммангизда, онажонлар.
Доим хурсанд, қулиб юринг,
Опажонлар, сингиллар.

Оилада қут-барака,
Кўнгил тўлиқ сизлар билан.
Ишда унум, зафар ҳамроҳ,
Юзлар ёруғ сизлар билан.

Лобар, барно, дилбар қизлар,
Сиз барчангиз гўзалдирсиз.
Куйчилар куй-қўшиғига
Илҳом берган газалдирсиз.

Ошиқ қалблар мактуб ёзар
Илҳом олиб юзингиздан.
Эшитган дил роҳат олар
Ширин-шакар сўзингиздан.

Етти жаннат оналарнинг
Ҳоки-пойи остидадир.
Абадий бу башарият
Оналарга таъзимдадир.

Эшниёз дер: “Эй, азизлар!
Қутл
уғ бўлсин байрамингиз.
Бахт-қувончга ҳамроҳ бўлсин
Ҳар кунингиз, ҳар дамингиз”.

Э. БУРХОНОВ,
Қашқадарё вилояти.

Кўзларингизда меҳр кўрдим

Бирим шифокору рамширалари,
Мадр этиб, байт битдим камолингизни.
Васфига лол бўлсам, этмангиз гина
Офтобдек нурафшон жамолингизни.

Ўзгача шуқудда гул юзлар бу кун,
Сурурдан порлайди шўх кўзлар бу кун.
Кўкдан-да тушибди юлдузлар бу кун,
Чин дилдан табриклайман жамоангизни.

Бир уйнинг чиройи, чироқбони сиз,
Муаттар гулисиз, рам боқибонисиз.
Зукко маликаси, меърибонисиз,
Бир-бир айтай феълү жамолингизни.

Тиббиёт гулшанин фариштасисиз,
Дилрабо бекаси, сариштасисиз.
Дард аҳлин танида жон риштасисиз,
Мадх этайин таърифингизни.

Лабларда табассум, кўзларда меҳр,
Нозик бармоқларда бормикан сеҳр.

Дардлар иложига бўлибсиз моҳир,
Шарҳига тил ожиз бу ролингизни.

Марзун ниғорларга тийрак боқисиз,
Жисмига ғаррабо янглиқ оқисиз.
Зиёсиз илбларга чироқ ёқисиз,
Ёйдуси сўнмасин ибоблингизни.

Ота-она, ёндош йолар иложисиз.
Ғаёт ҳал бўлар бирор иложисиз.
Ўша дақиқда гўша илож Сиз,
Ўғллаб теран илму амалингизни.

Ҳаста юракларга малҳам бўлдингиз,
Тонг отмас кечалар сиз шам бўлдингиз.
Не-не шоирларга илҳом бўлдингиз,
Ёйдуси сўнмасин ибоблингизни.

Нуриддин РАҲМОНОВ,
Андижон вилояти Марҳамат
туман тиббиёт
бирлашмаси “Шукурмерган”
ҚВП мудир.



Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 9515 нусха.
Буюртма Г-345.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

